

**«ESKI JUVA DEHQON BOZORI» АЖ**  
**акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш**  
**Б А Ё Н И**

**2022 йил 31 март**  
**Соат 12-00**

**Тошкент шаҳри**

**Ўтказилган жойи:** Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бозор майдони 28 уй.

Акциядорларнинг 2021 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Бозор майдони, 28 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2022 йил 31 март куни ўтказилди. Йиғилишда 1726715 овозга эга бўлган акциядор катнашди, бу жами акциядорларнинг 78,48 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Дехқон бозорлари Департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович катнашди.

***Йиғилиш раёсатиغا бир овоздан қўйидагилар сайландилар:***

Ганиев Д.И. - “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК, “Дехқон бозорлари Департаменти” бошлиғи ўринбосари

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси, жамият кузатув кенгаши аъзоси,

Файзуллаев Ш.И – «Эски жува дехқон бозори» АЖ директори

***Йиғилиш котибиятига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:***

Ёқубов Новвзод

***Йиғилиш саноқ хайъатиغا қўйидаги ходимлар сайландилар:***

Тоҳир Абдухалилов, Умид Юсупов ва Нигора Дўстметова

Йиғилишга «Эски жува дехқон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.
4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.
7. Жамият директори билан тузилган шартнома муддатини узайтириш.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.
12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳақидаги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Йиғилиш регламенти қўйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.  
Сўзга чикувчиларга 5 минутгача.

Ўнгилиш регламенти куйидагича тасдикланди:

1. Биринчи масала юзасидан- 5 мин	8. Саккизинчи масала юзасидан-3 мин
2. Иккинчи масала юзасидан- 3 мин	9. Тўккизинчи масала юзасидан- 3 мин
3. Учинчи масала юзасидан- 3 мин	10. Ҳинчи масала юзасидан- 3 мин
4. Туртинчи масала юзасидан- 5 мин	11. Ҳн биринчи масала юзасидан- 3 мин
5. Бешинчи масала юзасидан- 5 мин	12. Ҳн иккинчи масала юзасидан- 5 мин
6. Олтинчи масала юзасидан- 5 мин	13. Ҳн учинчи масала юзасидан- 3 мин
7. Еттинчи масала юзасидан- 5 мин	

Сўзга чикувчиларга 3-5 минутгача.

Ўнгилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори Ш.Файзуллаевнинг ҳисоботи тингланди.

Жамият раҳбари Ш.Файзуллаев сўзга чикиб, 2021 йил фаолияти якуни ижроия органи ва кузатув кенгаши билан ҳамкорликда, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилайтган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини берди.

Жамият раҳбари ўз ҳисоботида куйидагиларни айтиб ўтди:

«Эски Жува деҳкон бозори» акциядорлик жамияти ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326 сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бозорлар фаолиятига таълуқли бўлган қарор ва кўрсатмалари асосида олиб борди. «Эски-Жува деҳкон бозори» акциядорлик жамияти бошқаруви ўзининг устивор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бозор ҳудудида сотувчи ва тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш, бозор ҳудудида санитар-техник ҳолатни яхшилаш билан бирга, долзарб масалалардан бўлган аҳолини арзон ва сифатли кишлоқ-хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, бозор фаолиятини тартибга солиш, аҳоли ва харидорларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш, агроф муҳитни ободонлаштириш ва истеъмол товарлари чакана савдосини тартибга солиш бўйича амалга ошириладиган чора тадбирлар режаси тасдиқланиб, 2021 йил давомида режада белгиланган ишлар амалга оширилди.

- Бозорнинг даромадларини ошириш мақсадида барча керакли чоралар кўрилди.

- Тадбиркорлар ва харидорларга қўшимча қулайликлар ва янги иш ўринлари яратилиши ортидан жамиятнинг даромади сезиларли даражада ошганлигини, бунинг натижасида эса ходимлари ойликларини босқичма-босқич ошириш билан биргаликда, жамиятнинг мавжуд дебитор қарздорликларини камайитиришга эришилганлиги ҳамда бу бўйича тегишли ишлар олиб борилганлигини, қарздорликни батомом бартараф этиш чоралари кўрилайтганлиги, пул тушумларини ошириш бўйича кескин чоралар кўрилди, бозор ҳудудидаги янги қурилмаларни белгиланган талабларидан келиб чиқиб, бозор балансига расмийлаштирилди;

- Бозорлар фаолиятини талаб даражасида тўғри ташкил этиш мақсадида бозорнинг кунлик санитар ҳолати ҳамда у ерда яратилган шароитларни мунтазам ўрганилиб, камчиликлар жойида бартараф этилади.

- Бозор ҳудудида ва умумий овқатланиш, савдо тармоқларида сотилаётган озиқ-овқат, кишлоқ-хўжалик, қорвачилик маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича санитария ҳамда ветеринария-санитария назорати кучайтирилди, ҳар бир маҳсулотнинг сифатини истеъмолга яроқлигини қафолатловчи ҳужжатларисиз савдо қилувчи тадбиркорларни савдоси тақиқланди.

- Сотувчилар электрон тарозилар билан таъминланган бўлиб, доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

- Сотилаётган қорвачилик, паррандачилик ва баъзи кишлоқ хўжалик маҳсулотларини (салатлар ва бошқалар) ветеринария-санитария лабораториясининг таҳлилидан ўтказмасдан савдога қўймаслик чоралари кўрилди.



- Уй шаронтида тайёрланган таомлар, салқин ичимликлар, кремли қандолат маҳсулотлари консервалар ва кўзқоринларни давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг рухсатисиз сотилиши катъий таъқиқланди ва назоратга олинди.

- Аниқ жадвал асосида кундалик тозалаш ишлари ташкил этилди.

- Жамият қошида ташкил этилган “Файзли Элга хизмат” МЧЖ томонидан узлуксиз равишда кишлоқ-хўжалиги маҳсулотларини арзонлаштирилган нархларга етказиб берилиши доимий назоратга олинди.

- Жамиятимиз томонидан ташкил этилган арзонлаштирилган кишлоқ хўжалик ва озик-овқат савдо ярмаркаси савдо расталарида гўшт маҳсулотлари, тухум, писта ёғи, шакар, картошка, пиёз, тирик балиқ келтириб, арзонлаштирилган нархларда сотилди.

- 2021 йил давомида “Пандемия” шаронтини инобатга олиб кўп қаватли уйларнинг аҳоли учун қулай жойларида савдо ярмаркалари ташкил этилиб, арзонлаштирилган нархларда кишлоқ-хўжалик ва озик-овқат маҳсулотларини бозор маъмурияти ходимлари билан биргаликда олиб келиниб, назоратчилар, ишчи- ходимлар иштирокида сотилиши ташкиллаштирилди.

- Бозор ҳудудида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мавжуд ёнгин ўчириш қалқонлари керакли анжомлар билан жихозланиб қўшимча равишда ёнгин ўчириш қалқонлари сотиб олинди. Иссиқ ва совуқ кунларда электр энергиясидан тежамкорлик асосида фойдаланиш, тунги вақтларда электр воситаларини ва органик совутичларни ўчириш, об-хавонинг иссиқ ва совуқ бўлиши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган фавқулотда вазиятларни олдини олиш, носоз электр жихозларидан фойдаланмаслик, хавфсизлик талабларига риоя этиш мавзуларида бозор радио тармоғи орқали эшиттиришлар мунтазам равишда берилиши йўлга қўйилган.

- Жамият «Бизнес режаси»нинг асосий қисми даромадлар ва харажатлар сметасидан ташкил топган бўлиб, унинг бажарилиши куйидаги кўринишда ўз аксини топди:

- Ижара ҳақи режаси 1.371.434,0 минг сўм, амалда 1.401.367,0 режага нисбатан 29933,0 минг сўмга кўп бажарилди.

- Соф фойда режаси 2.044.178,0 минг сўм, амалда 1.603.454,0 минг сўмга бажарилди.

- Жамиятда харажатларнинг ошишига асосан электр энергияси ва жамият ходимлари ойликлари, ИИБ органлари ойликлари сабаб бўлди. Жамият ҳудудида савдо ўринларини бушаб қолиши сабабли жой ҳақи режаси, жумладан тарози ва арава хизматлари тўловлари кам бажарилди. Йил давомида ушбу тўловларни бажаришга қаратилган барча чолралар кўрилди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207- сон қарори иловасининг 37- бандига асосан кўрсаткичлар СЙК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари 113,7% ташкил этди.

- Жамият раҳбарияти ва ишчи ходимлари ҳукуматимиз раҳбарияти, ҳокимликлар томонидан чиқарилган қарорлар асосида ўз иш фаолиятини давом эттиради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича “ХВ Finans konsulting” томонидан миллий стандартларга кўра ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари билан таништириш учун сўз ушбу аудиторлик вакилига берилди. Аудитор вакили сўзга чиқиб, жамиятда аудиторлик текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақида ҳисобот дф ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди.

Акциядорлар томонидан аудиторлик текширувида қандай камчиликлар аниқланганлиги, уларни бартараф этилиши бўйича саволлар бўлди.

Аудитор томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришда айрим камчиликлар бўлгани ва ушбу камчиликларни тўғрилаб, берилган таклиф ва тавсияларга кўра жамият ҳужжатлари тўғрилангани тўғрисида маълумот берилди (*аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосаси билан жамият бош муҳосиби Ф.Туйчиев таништирди ва ушбу хулосада жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудиторлари ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:



- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмоқда. Жамиятда асосий иш жойи Жамият ҳисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилиб, Халқ банкига ҳар ойда маблағлар ўтказиб келинаётганлиги;

-Тафтиш комиссия аъзолари аудитор текшируви хулосаларига таяниб, жамиятнинг 2021 йил молиявий-ҳужалик фаолиятининг даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ва балансидаги маълумотларининг ҳаққонийлиги тасдиқланганлигини;

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Ф.Туйчиев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил якуний баланси бўйича ахборот берди.

Жумладан,

#### Бухгалтерия баланси (минг.сўмда)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	12950970,0	Устав капитали	2200000
Узок муддатли инвестициялар	30854,0	Резерв капитали	9746752
Товар моддий захиралари	2643294	Таксимланмаган соф фойда	1206547
Дебиторлик қарзлари	4927939	Жорий кредиторлик қарзлар	998436
Пул маблағлари	292		
<b>ЖАМИ</b>	<b>20553349</b>	<b>ЖАМИ</b>	<b>20553349</b>
		<b>СОФ ФОЙДА</b>	<b>1206547</b>

Раислик қилувчи қўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Ф.Туйчиев сўзга чиқиб, 2021 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2021 йил якуни бўйича олинган 1 206 547,00 минг сўм соф фойдасини қуйидагича таксимланишини тақлиф қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни 12-бандига асосан соф фойданинг 50% қисmini яъни 603273,5 минг сўмни дивиденд тўлашга ажратиш.

- Соф фойдани 5% қисmini яъни, 60327,35 минг сўмни жамиятнинг захира жамғармасига ажратиш;

- умидсиз қарздорликни қоплашга- 370.047.203,71 сўм (муддати ўтган ва умидсиз қарздорлик. 12.166.900 сўм “Ali-Sherzod” хусусий савдо корхонаси (ИНН 20091505) тугатилганлиги учун, 165.747.880 сўм “Grand fruit and meat delivery” МЧЖ тугатилганлиги учун (ИНН 303150642), “Porloq quyosh partanda” МЧЖ (ИНН 305177962) банкрот деб топилганлиги учун, 56.746.623,71 сўм “Элга хизмат Эски-Жува” МЧЖ (ИНН 301867218) бир неча йилдан буён фаолият кўрсатмайди, 100% таъсисчи бозорни ўзи, 135.385.800 сўм-аудиторлар хулосасига асосан 2020 йил 9 мартда жамиятнинг бухгалтерияси томонидан 1С-бухгалтерия базасига нотўғри киритилган сумма) ни ажратиш.

- қолган 19,5% ни 116 264 минг сўм соф фойдани жамиятнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қолдириш;

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори Ш.Файзуллаев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси” ҳамда “2022 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Шунингдек, жамият раҳбари 2022 йилда жамият ҳудудининг барча жойларида ички инфратузилмани яхшилаш, бозорнинг ташқи кўриниш фасадига замонавий тус бериш, тадбиркорлар ва харидорларга қўшимча қулайликлар яратиш, жамиятнинг ходимлари ойликларини босқичма-босқич ошириш, қарздорликларни батамом қамайтириш бўйича тегишли ишлар олиб бориб, уни бартараф этиш чораларини кўриш, пул тушумларини ошириш



бўйича кескин чоралар кўриш ва бошқа амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳақида фикр билдирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

**Еттинчи масала** мажлис раиси Д.Ганиев сўзга чиқиб, жамият директори Ш.Файзуллаевнинг 2021 йилдаги фаолияти Кузатув кенгаши томонидан ижобий хулоса берилганлиги, 2021 йилда эришилган натижалардан ва бажарилган ишлардан келиб чиқиб,

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонунига асосан унинг меҳнат шартномасини уч йил муддатга тузишни таклиф этди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи қун тартибдаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2022 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи қун тартибдаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Қун тартибдаги **ўнинчи** масала юзасидан жамиятда Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун <https://exarid.uzex.uz/> сайтида ўрнатилган тартибда эълон жойлаштирилганлиги, ушбу эълонга асосан “Назорат аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг таклифи кенгаш томонидан маъқулланганлигини айтди ва “Назорат аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари юзасидан тайёрланган маълумот билан таништириш учун сўз жамият мутахассис Н.Ёқубовга берди.

Н.Ёқубов сўзга чиқиб, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш “Назорат аудит” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра “Эски-Жува деҳқон бозори” АЖ 6 балл йиғиб, унга “юқори” баҳо берилганлигини, фойз жиҳатидаги яқуний баҳоси 1 % ташкил этганини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан таништирди (*жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича хулосаси ва ҳисобот шлова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Қун тартибдаги **ўн биринчи** масала юзасидан жамият мухосиб Н.Ёқубов сўзга чиқиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувида жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан халқаро стандартларга кўра аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича <https://exarid.uzex.uz/> сайтида ўрнатилган тартибда эълон жойлаштирилганлиги, ушбу эълонга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “SMIMIY AUDIT” МЧЖ - 15000000 сўм ҚҚС билан,
2. “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ 12000000 сўм ҚҚС билан;
3. “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ 10000000 сўм. ҚҚС билан.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Қун тартибдаги **ўн иккинчи** масала бўйича жамиятнинг кадрлар бўйича масъул ходими сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасида бўладиган ўзгаришлар лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди.

Ушбу масала бўйича ҳеч қандай савол бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи** масала бўйича жамият мутахассиси сўзга чиқиб, қонунчиликка кирган ўзгаришлар инобатга олинган ҳолда “Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳақида”ги низоми янги таҳрирда тайёрланганлигини билдириб, йиғилиш қатнашчиларини низоми билан таништириб ўтди.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок хайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

<b>1-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%	<b>2-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%	<b>3-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%
<b>4-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%	<b>5-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%	<b>6-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%
<b>7-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%	<b>8-масала</b>	
	8.1. Ганиев Дилмурод Ирқинович 1726715 та овоз 8.2. Ирматов Мурад Абдуқаҳхарович 1726715 та овоз 8.3. Разақов Аҳад Анварович 1726715 та овоз 8.4. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамалхўжаевич 1726715 та овоз 8.5. Қаримов Малик Раҳимович 1726715 та овоз 8.6. Қаримов Сардор Юлдашбаевич 1726715 та овоз 8.7. Алимов Иномжон Сантқулович 1726715 та овоз 8.8. Абдурахманов Музаффар Мирзараҳимович 1726715 та овоз 8.9. Қамолов Тоҳмас Қаримович 1726715 та овоз	
<b>9.1-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%	<b>9.1-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%	<b>9.2-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%
<b>10-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%	<b>11-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%	<b>12-масала</b> Ёклаган 1726715-100 % Қарши 0-0% Бетараф 0-0%

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

### **КҮН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. «Эски жува дехқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёклаган 1726715-100 %, Қарши 0-0 %, Бетараф 0-0 %, овоз бермади 0-0 %).

2. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. (Ёклаган 1726715-100 %, Қарши 0-0 %, Бетараф 0-0 %, овоз бермади 0-0 %).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (Ёклаган 1726715-100 %, Қарши 0-0 %, Бетараф 0-0 %, овоз бермади 0-0 %).



4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (Ёқлаган 1726715 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.

5.1. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 1206547,0 минг сўм миқдорда олинган соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:

- Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни 12-бандига асосан соф фойданинг 50% қисми яъни 603273,5 минг сўм дивиденд тўлашга ажратилсин;

- Соф фойдани 5% қисми яъни, 60327,35 минг сўм жамиятнинг заҳира жамғармасига ажратилсин;

- умидсиз қарздорликни қоплашга- 370.047.203,71 сўм (муддати ўтган ва умидсиз қарздорлик. 12.166.900 сўм “Ali-Sherzod” хусусий савдо корхонаси (ИНН 20091505) тугатилганлиги учун, 165.747.880 сўм “Grand fruit and meat delivery” МЧЖ тугатилганлиги учун (ИНН 303150642), “Porloq quyosh parranda” МЧЖ (ИНН 305177962) банкрот деб топилганлиги учун, 56.746.623,71 сўм “Элга хизмат Эеки-Жува” МЧЖ (ИНН 301867218) бир неча йилдан буён фаолият кўрсатмайди, 100% таъсисчи бозорини ўзи, 135.385.800 сўм-аудиторлар ҳулосасига асосан 2020 йил 9 мартда жамиятнинг бухгалтерияси томонидан 1С-бухгалтерия базасига нотўғри киритилган сумма) ажратилсин.

- Соф фойданинг қолган 19,5% қисми, яъни 116 264 минг сўм жамиятни моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қолдирилсин (Ёқлаган 1726715 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик зарур ҳолларда Кузатув кенгаши томонидан асосланган ҳолда ўзгартириш киритиш шarti билан, тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (Ёқлаган 1726715 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

7. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори Файзуллаев Шухрат Исматуллаевичнинг меҳнат шартномасини узайтириш маъқуллансин ва шартнома уч йил муддатга тузилсин (Ёқлаган 1726715 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

7.1. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

- |   |                 |
|---|-----------------|
| 8.1. Ганиев Дилмурод Ирқинович            | 1726715 та овоз |
| 8.2. Ирматов Мурад Абдуқаҳхарович         | 1726715 та овоз |
| 8.3. Раззақов Аҳад Анварович              | 1726715 та овоз |
| 8.4. Тошхўжаев Жавдатхўжа Маҳмадхўжаевич  | 1726715 та овоз |
| 8.5. Қаримов Малик Раҳимович              | 1726715 та овоз |
| 8.6. Қаримов Сардор Юлдашбаевич           | 1726715 та овоз |
| 8.7. Алимов Иномжон Саитқулович           | 1726715 та овоз |
| 8.8. Абдурахманов Музаффар Мирзараҳимович | 1726715 та овоз |
| 8.9. Камолов Толмос Қаримович             | 1726715 та овоз |

9. Тафтиш комиссиясига Мирасулов Абдуҳамид Усмонович, Нигматов Шерзод Ботирович ва Норхўжаев Нозимхўжа Абдуқодир ўгли сайлансин. (Ёқлаган 1726715 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин (Ёқлаган 1726715 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб “Назорат аудит” аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп чегараси 10.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин (Ёқлаган 1726715– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин (Ёқлаган 1726715– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

12.1. Жамият директори Ш.Файзуллаевга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, ташкилий тузилмага киритилган ўзгартиришларни қонун доирасида расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

13. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.

Баённома имзоланган сана: « 9 » апрел 2022 йил.

Йўналиш раиси



Т.Камолов

Баённи олиб борди



Н.Ёкубов